



190900. Qumqo'rg'on tumani, O'zbekiston shoh ko'chasi 1-uy, tel: 0(376)46-52-511, fax: 0(376)46-52-511

2020 yil " 21 " aprel _____

Қ-615 _____-sonli

**Махсус техникалар орқали истеъмолчиларга
тоза ичимлик суви етказиб бериш чора-
тадбирлари тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 июлдаги 194-сонли қарори билан тасдиқланган “Истеъмолчиларга сув таъминоти ва оқова сувни чиқариш хизматлари кўрсатиш” Қоидаларининг 118-бандига асосан, истеъмолчиларга махсус техникалар орқали тоза ичимлик суви етказиб бериш хизмати учун тўловлар таърифларини белгилаш мақсадида, вилоят “Сувоқава” ДУК Қумқўргон туман филиалининг хатини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6, 25-моддаларига мувофиқ

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н

1. Марказлаштирилган коммунал сув тармоғидан таъминлаш имконияти бўлмаган маҳаллалар аҳолиси (истеъмолчилари) га махсус техникалар орқали тоза ичимлик суви етказиб берилсин.

2. Сурхондарё вилоят “Сувоқава” ДУК туман филиали (И.Хурсанов) марказлаштирилган коммунал сув тармоғидан таъминлаш имконияти бўлмаган маҳаллаларга махсус автотранспорт ёрдамида ичимлик сувини етказиб берувчи масъул ташкилот қилиб белгилансин.

3. Сурхондарё вилоят “Сувоқава” ДУК туман филиали (И.Хурсанов) томонидан аҳоли (истеъмолчилар) га махсус техникалар орқали тоза ичимлик суви етказиб бериладиган ҳудудлар, ичимлик суви миқдори, муддати ва етказиб бериш хизмати учун тўловлар таърифлари нархларни тартибга солувчи орган билан келишилган ҳолда иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Вилоят “Сувоқава” давлат унитар корхонаси туман филиали (И.Хурсанов)га:

ичимлик сувини белгиланган тартибда шартнома асосида махсус автотранспорт воситалари орқали ўз вақтида, тўлиқ етказиб берилишини;

истеъмолчиларга етказиб берилган ичимлик суви бўйича ҳисоб-китобларни белгиланган тартибда ва ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаш вазифаси топширилсин.

5. Туман ҳокимлиги ахборот хизмати (Н.Жумаева) ва “Кумқўрғон садоси” газетаси бош муҳаррири (Р.Менгзияева) мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжатни туман ҳокимлигининг расмий веб-сайтига жойлаштирилишини ва “Кумқўрғон садоси” газетасида чоп этилишини ҳамда электрон шаклда бир кунлик муддатда ижрочилар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига етказилишини ташкиллаштирадилар.

6. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

7. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари А.Абдурахимов зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими

Р.Гаппаров



TO'G'RI
O'ZBEKISTON RESPUBLIKAS
SURXONDARYO VILOYATI
QUMQO'RG'ON TUMANI
HOKIMI UMUMIY
BO'LIM MUDIRI



Манзили: Сурхондарё вилояти Қумқўрғон т.А.Темур кўчаси, 61-уй, тел: Fax: 76-46-53-219

№ 34 -сонли

« 01 » 04 2020 йил

Қумқўрғон туман ҳоқими
Р.Б.Ғаппаровга

Вилоят “Сувоқова” ДУК Қумқўрғон туман филиали Сизга шуни ёзиб маълум қиладики, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 июлдаги № 194-сонли қарорига асосан туман марказидан олисда бўлган ва марказлашган ичимлик суви таъминоти бўлмаган аҳоли пунктларига ичимлик сувини техника воситалари билан ташиб етказиб бериш белгиланган.

Бунда ичимлик сувини локал сув таъминоти тизимларидан махсус автотранспорт билан етказиб бериш тартиби, аниқ муддатлари, миқдори ва етказиб бериш пунктларини белгилаш, етказиб берилган ичимлик сув учун нархларни белгилаш, тасдиқлаш белгиланган.

Шунга асосан ҳозирги пайтда сув ташийдиган махсус техника воситаларига сув олиш учун тумандаги Имомтепа маҳалласи ҳудудидаги сув иншоотидан, Сурхон соҳили маҳалласидаги сув иншоотидан, Тўғон маҳалласидаги сув иншоотидан сув қуйиш нуқталари ташкил этилган.


Марказлашган ичимлик суви таъминоти мавжуд бўлмаган аҳоли пунктларига ичимлик сувини махсус техника воситалари ёрдамида ташиб етказиб бериш, сув олиш нуқтасидан аҳоли пунктига қадар бўлган масофа, етказиб бериш миқдори ва етказиб бериш нахлари белгиланди.

Юқоридагиларни инобатга олиб аҳоли пунктларига ичимлик сувини ташиб етказиб бериш миқдори, муддати ва етказиб бериш нархлари бўйича туман ҳоқими қарори қабул қилишингизни сўрайман.

(Маҳаллалар бўйича ичимлик суви етказиб бериш рўйхати илова қилинди)

Филиал бошлиғи :

И.Хурсанов



Вилоят "Сувоқова" ДУК Қумқўрғон туман филиали томонидан туман ҳудудидаги аҳоли (истеъмолчилари)га махсус техникалар орқали тоза ичимлик суви етказиб бериш хизмати учун тўловлар таърифлари

№	Ҳудуд номи	Микдори (тн)	Муддати	Сув олиш нуктасидан аҳоли пунктигача бўлган ўртача масофа (км)	Ҳудудлар бўйича ҚҚС сиз ўртача тариф	
					сўм/тн	сўм/литр
	1	2	3	4	6	7
1	Саховат МФЙ	120	Ҳар 2 кунда	38 км	20 000	20
2	Тебат МФЙ	48	Ҳар 5 кунда	65 км	20 000	20
3	Гулистон МФЙ	48	Ҳар 5 кунда	30 км	20 000	20
4	Боботоғ МФЙ	24	Ҳар 10 кунда	42 км	20 000	20
5	Янгиобод МФЙ	100	Ҳар 2 кунда	24 км	20 000	20
6	Давлатсой МФЙ	80	Ҳар 3 кунда	30 км	20 000	20
7	Азларсой МФЙ	80	Ҳар 3 кунда	18 км	20 000	20
8	Тайфанг МФЙ	100	Ҳар 3 кунда	20 км	20 000	20

Филиал бошлиғи



(Handwritten signature)

И.Хурсанов